

КИШЛОК ҲАҚИҚАТИ

1991 йил 31 октябрь
ПАЙШАНБА
№ 211 (5.254)
Баҳоси 8 тиний.

КУНДАЛИК ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМА

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

УЛКАН ХИРМОН—МУСТАҚИЛ РЕСПУБЛИКАГА ДАРМОН

ФИДОКОРОНА МЕҲНАТ САМАРАСИ

Андижон вилояти пахтакорлари оқ олтин тайёрлаш йиллик режаси бажарилганлиги тўғрисида ғалаба ҳужжати имзо чекдилар. Муस्ताқил Республикаимиз хирмонига улар 370 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хом ашёсиз етказиб бердилар. Ҳар гектар ердан ўртача 27,5 центнердан ҳосил йиғиштириб олинди. Тайёрланган пахтанинг 91 фоизи биринчи ва иккинчи навларга қабул қилинди.

Вилоят деҳқонлари шароит мураккаб келган жорий йилда ҳар қачонгидан кўра самаралироқ меҳнат қилдилар. Қўлданги оби ҳаво ноқулайликлари, қайта экинчи оқибатда юзга келган ғўза ривожидида қолоқлик ва бошқа қийинчиликларни енгиш осон бўлмади. Бу мураккабликлар тажриба ва маҳорат билан енгиб ўтишди. Ҳамма жойда илгор иш усуллари кенг қўлланилди. Натижада катта-катта пайкаларда мўлжалдаги ҳосилни тўлашга ва уни қисқа муддатларда йиғиштириб олишга муваффақ бўлинди.

Эришилган ютуққа барча районларнинг заршунослари ўз ҳиссаларини қўйдилар. Йиллик марраи вилоятда биринчи бўлиб эгаллаган Комсомолбод ва Бўз районларининг пахтакорлари айниқса, бошқаларга ўрнак кўрсатдилар. Ҳозирга қадар улар топириқни 110—112 тонна қилиб ўтказди. Москва, Олтинқўл, Марҳамат, Балиқчи, Ленин районларининг азаматлари ҳам муносиб ҳисса қўшдилар. Улар бир неча кундан бери мажбурият ҳисобига оқ олтин топириқларидан.

Вилоят механизаторлари режада белгиланганидан 11 минг тонна зиёд, яъни 195 минг тоннадан кўпроқ хом ашёни пўлат этаклардан бўшатди. Бошқача айтганда йили хирмонининг 53 фоизи машиналар ёрдамида саранжомланди. Бу борада Бўз, Марҳамат, Комсомолбод, Жалолқуд, Москва, Балиқчи, Пахтабод районларининг суворийлари яхши натижаларга эришдилар. Улар машина терими топириқларини ошириб адо этишди. Умуман мавсумда вилоят бўйича 2284 та зангори кема самарали ишлатилди.

Бу йил пахта йиғим-теримига юқори ҳақ тўланганлиги кишиларни ялпи сафарбарликка чорлади. Вилоятда қўл терим ўзаро мусобақа асосида қизғин йўлга қўйилди. Қўлнингкилограммчилар ҳаракати авж олдирилди. Натижада умумий хирмонининг 175 минг тоннаси қўлда йиғиштириб олинди. Ҳозирга қадар ўнлаб чеварлар 8—9 тоннадан оқ олтин тердилар.

Вилоятда йиғим-терим давом этмоқда. Ахдида вафодор андижонлик деҳқонлар даладардаги бор ҳосилни нест-нобуд қилмасдан саранжомлаб олиш, айна пайда келгуси йил учун мустаҳкам замин ҳозирлаш тадбирларини кўрмоқдалар.



Дўстлик районидаги Мамажон Дадажонов номли давлат

хўжалиги чўлқуварлари бу йил 3053 гектар майдонда

яхши ҳосил етиштирилди. Ҳозирга қадар гектарида

27,5 центнердан хирмон кўтарилиб, қабул пунктларига

жами 8 минг тоннадан зиёд оқ олтин топирилди. Айна

пайда мажбурият ҳисобига хом ашё тайёрлаш қизғин

давом этмоқда.

СУРАТДА: илгор звено бошлиқлари А. Турсунов ва

С. Эгамбердиев. Улар бошлиқ жамоаларда гектарида

35 центнердан ошириб пахта саранжомланди.

А. ТУРАЕВ олган сурат.

ТОШКЕНТ. Ўрта Чирчиқ райони заршунослари зафар қўчдилар. Пахтакорлар қабул пунктларига 40 минг тоннадан зиёд хом ашё етказиб бердилар. Ҳар гектар ердан 26,6 центнердан ҳосил олинди.

Район пахтакорлари 15 минг гектар ерда деҳқончилик қилишди. Баҳорги табиат инжиқликларини, йилнинг қийин келишига қарамайдан улар астойдил меҳнат қилдилар. Бир неча минг гектар ер бўлиб экилд. Ёзда ҳароратнинг етишмаслиги деҳқонларга яна ташвиш келтирди. Азамат заршунослар ҳамма қийинчиликларини бартараф этиб, асосий эътиборни — ғўза парваришига қаратдилар. Натижада далада мўл ҳосил етиштирилди.

Бу ерда терим мавсумига ҳам алоҳида тайёргарлик қўрилди. Айниқса, зангори кемалар барвақт таъмир қилиниб, карталар машиналарга тайёрланди. Ким Пен Ха номли, А. Икромов номли, Ленин номли, Охунбоев номли, «Ленин йўли», Свердлов номли, Куйбишев номли жамоа хўжаликлари бу ишни анча илгари тамомлаган эдилар.

Терим мавсумида ҳам бу хўжаликлар бирин-кетин маррага етиб келдилар. Уларда ҳосилдорлик ҳам энг юқори кўрсаткични ташкил қилди.

Хом ашёнинг қариб 35 минг тоннаси агрегатларда саранжомланди. Айниқса, «Ленин йўли» жамоа хўжалигидан Турдали Бозорбо

1991 йили "КИШЛОК ҲАҚИҚАТИ"НИНГ МАВСУМ ОЙНАСИ
33-54-33
32-54-51
32-54-52

ев, Аҳмад Абдуллаев, Ленин номли жамоа хўжалигини Тўлқин Тўйбеков, Умркул Бектошев сингарилар мавсумда 150 тоннадан ошириб оқ олтин териб, ҳаммакларни ўртасида пеш-ҳамакларни қилдилар.

— Даладаримизда ҳали ҳосил мўл, — дейди район партия комитетининг биринчи котиби, район Кенгаши раиси М. Икромов. — Айни пайдада терим қизғин давом этмоқда. Иккинчи навбатида ҳосил солиб, яна 2 минг тонна оқ олтин йиғиштириб, ҳосилдорлигини 28 центнерга етказмоқчимиз.

ПАЙНАРИ. Райондаги «Партия XXII съезди» жамоа хўжалиги пахтакорлари маррага етиб келдилар. Қабул пунктларига 2413 тонна сифатли хом ашё етказиб берилди. Ҳар гектар ердан 25,1 центнердан ҳосил олинди. Заршунослар бу йилги қийин шароитда астойдил меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиштирилди. Асосий эътиборни ғўза парваришига қаратдилар. Майдонлардаги ниҳолларнинг қўлчилиги машинабон қилиб ўстирилди. Натижада ёмон бўлмади. Ҳосилнинг 85 фоизи юқори

навларга топирилиб, хом ашёнинг қўлчилиги қисми машиналарда терилди. Механизаторлардан Тиркаш Маматов, Бердиқул Эгамбердиев ва Қаҳҳор Доғиёров ўз агрегатлари билан 180—200 тоннадан оқ олтин саранжомлашди. Улар ҳаммакларни орасида пеш-ҳамакларни қўлдан бермай, яратилган хирмонга муносиб ҳисса қўшдилар.

Хўжаликда илгор бригадалар кўп. Айниқса, 1-, 4-, 5-, 11-, 12-, 16-жамоалар теримда пеш-ҳамакчилик қилдилар. Бу бригадалар айни кунда мажбурият ҳисобига хом ашё топириқларидан.

НАВОИЙ. Райондаги «Нарпай» давлат хўжалиги пахтакорлари зафар қўчдилар. Заршунослар давлатга 13.880 тонна оқ олтин топириб, режани ошириб ба

жаришди. Олинган ҳосил гектарида 27,2 центнерни ташкил қилди.

Хўжаликда техникага эътибор баланд. Етиштирилган хом ашёнинг 86 фоизи агрегатларда йиғиштирилди. Машина терими 150 тоннадан ошириб бажарилиб, Механизаторлардан Исмоил Маҳмудов, Мансур Хайитов, Сайилхон Мирзаев, Элмурод Раҳимов сингарилар мавсумда пеш-ҳамакчиликни қўлдан беришмапти. Уларнинг ҳар бири ҳисобига айни кунда 150—200 тоннадан хом ашё бор.

Хўжалик республикада энг йирик жамоалардан ҳисобланади. У иқтисодий жиҳатдан бақувват. Бу ерда режани ўтказиб, мажбурият ҳисобига хосил топириқдан жамоалар ҳам кўп. Т. Рисаев, А. Абдуқодиров, С. Сафаров, Р. Солиев, А. Норкулов, Э. Фармонов етказилиб қилиётган бўлимлар шулар жумласидан.

Река бажарилишига теримчилар ҳам салмоқли ҳисса қўшдилар. Айниқса, Инобат Икромов, Жамиля Қодирова, Зебо Жумаева-лар ҳаммакларни ўртасида пеш-ҳамакчилик қилишмоқда.

Айни пайдада хўжалик даладарига иш қизғин. Сурат бўшашгани йўқ. Азамат деҳқонлар яна 800 тонна оқ олтин топириқни, ҳосилдорлигини 30 центнерга етказишмоқчи.

В. НОСИРОВ.

Қорақалпоғистонда ва республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида шу йил 30 октябргача бўлган МАЪЛУМОТ (Режага нисбатан фозис ҳисобида)

Вилоятлар	Вир кўнда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани	Вир кўнда	Мавсум бошидан
БУХОРО	0,47	112,14	0,33	86,03	
ҚАШҚАДАРЕ	0,52	107,51	0,34	115,17	
ФАРҒОНА	0,33	105,89	0,18	96,38	
СУРХОНДАРЕ	0,80	103,99	0,32	106,87	
НАМАНҒАН	0,57	103,66	0,34	108,21	
ЖИЗЗАХ	0,43	102,59	0,43	124,76	
СИРДАР	0,27	101,27	0,20	111,50	
АНДИЖОН	0,93	100,77	0,85	107,90	
Самарқанд	1,11	97,54	0,70	102,61	
Тошкент	0,75	97,51	0,54	105,07	
Хоразм	1,20	79,68	1,01	48,49	
Қорақалпоғистон республикаси	1,10	77,74	0,85	73,77	
Республика бўйича	0,69	100,16	0,48	101,71	
ШУ ЖУМЛАДАН ИНГИЧКА ТОЛАЛИ ПАХТА					
БУХОРО	3,16	112,77	—	—	
СУРХОНДАРЕ	0,83	105,39	—	—	
ҚАШҚАДАРЕ	0,85	103,05	—	—	
НАМАНҒАН	1,06	89,44	—	—	
Андижон	0,79	38,07	—	—	
Республика бўйича	0,92	104,26	—	—	

ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ТАНИШУВ

Кипр Республикасининг Президенти Георгиос Василиу Ўзбекистон ҳаёти билан танишди.

30 октябрь кунини ўзи Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов қабул қилди.

Меҳмонга республикадаги иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий вазият тўғрисида батафсил сўзлаб берилди. Ўзбекистон ўзини муқтадил, деб эълон қилиб, бошқа иттифокдош республикалардан ажралган ҳолда яшамоқчи эътиборини таъкидлади. Фақат куч-ғайратларни бирлаштириб тангликдан чиқиб олиш мумкин. Бой табиат — хом ашё ресурсларига эга бўлган Ўзбекистон — бошқа давлатлар билан ўзаро манфиатли ҳамкорлик қилишга интиломоқда. Барча аҳолилар ва эътиборини таъкидлади. Тошкентдаги Чирчиқда яшаган эди Опаси Моника Тошкентда театр-рассомчилик илмгоҳини битирган. Кипр Президенти ва у билан бирга келган Опаси Чирчиқдаги отаси яшаган ўрни, кўз шифокори бўлиб ишлаган касалхонани бориб кўрдилар.

Георгиос Василиу ва унга ҳамроҳлик қилган кишилар Самарқандга сафар қилдилар. Қадимий шаҳарнинг диққатга сазовор жойлари билан танишдилар.

III. Р. Мирсаидов.

ПАХТАЗОР ҚАҲРАМОНЛАРИГА ОФАРИН

Андижон деҳқонлари пахта мавсумини муваффақият билан якунладилар. — Йиллик режа бажарилиб.

Вилоят хўжалик фаолларининг йилгишида мавсум якунланди. Меҳнатни ташкил этишнинг илгор усуллари жорий этиш, техникадан самарали фойдаланиш йўли билан ҳозиргача топирилган 370 минг тоннадан ташқари яна 30 минг тонна пахта териб ола б

лади. Хўжаликларга териб олинган ҳосилнинг беш фоизини ва режадан ташқари олдинги ҳам пахтани муқтадил тасаруф этиш ҳуқуқи берилган ҳам бунга кўп жиҳатдан қўмақлашди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов андижонликларни ғалаба билан чин қўллаган муборакбод этди. «Бу йилги терим мавсумида кўпгина пахтазор қаҳрамонлари

этишиб чиқди, деярлида телестрамада улар орасида Андижон вилоятининг деҳқонлари ҳам бор. Бу қаҳрамонлар мўл оқ олтин ҳосилни етиштирилди ва пахта топириқни юзасидан белгиланган давлат буюртмасини муваффақият билан ўтказдилар».

Ҳозир далада қолган пахта териб олиш, бажариб олиш, барча дала ишларини тугаллаш келгуси йил ҳосили учун пухта замин яратиш — жуда муҳимдир, деб таъкидлади Президент.

Йилгишида Наманган вилоят Советининг раиси Б. Х. Қўшиқов бошчилигидаги қишлоқ вилоят пахтакорларининг делегацияси ҳозир бўлди.

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгашининг раиси Қ. Х. Холмиров таъкидлади.

ЎзТАГ.

ДОИМИЙ НАЗОРАТ ОСТИДА

Республика Президентининг «Ўзбекистон қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш йили» таъминлаш тўғрисидаги иш дурустроқ йўлга қўйилган. Тўққиз ой ичида қишлоқ жойларда режалаштирилган 2833,7 километр ўрнига 2847,15 километр газ тармоғи ишга туширилди.

Қорақалпоғистон, Андижон, Бухоро, Наманган, Самарқанд, Тошкент ва Хоразм вилоятларида республика Президентини белгилаб берган вазифаларни амалга оширишга эър масъулият билан ендошилди. Маҳаллий идораларнинг доимий мадда билан бу жойлардаги корхоналар ташаббус кўрсатиб, газ тармоқларини қуриш ва хонадонларни газ билан таъминлаш ишлари илдам амалга оширмоқдалар.

ЎзТАГ.

КЕЛГУСИ ҲОСИЛНИ КЎЗЛАБ

Куз охирида борапти. Йил бўйи етиштирилган ҳосилнинг сўнгги миқдорлари йиғиштириб олинапти. Бу деҳқон энди тинди, дегани эмас. Олдинда кузги-қишқи тадбирлар турибди. Ота-боларимиз: «Ер ҳайдасанг, куз ҳайда, куз ҳайдамасанг, юз ҳайда», деб бежиз айтишмаган.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳайъати йиғилиши бўлди. У асосан 1992 йил ҳосили таралдишда бағишланди. Жорий йилда 2 миллион 180 минг гектар ер шудгор қилиниши керак. Ҳосилдор майдонларнинг кўп қисминини чуқур қилиб ҳайдаш катта аҳамиятга эга. Йилгишида таъкидланганидек, ҳозир кўп жойда 35—40 сантиметр чуқурликда юмшатилади. Аммо шундай районлар борки, замин мўлжалдагидан чуқурроқ шудгор қилинса, ҳосил-

дорлик ошади, маҳаллий ва минерал ўғитларга кўпроқ тўйинади.

Мутахассислар уқтиганидек, ерга ўғит солишда бепарволик қилиш ярамайди. У шудгордан олдин берилган маъқул. Афсуски, ҳар йили ҳайдаладиган майдоннинг 60—70 фоизига фосфор, калий солинмапти. Масалан, бултур Наманган вилоятида режада кўрсатилган фосфор берилмади. Ер ки эса алдаб бўлмайди.

Мазрузачи, вазирлик масъул ходими Р. Исаев бу ҳақда батафсил тўхтади. У ўтган йили йўл қўйилган камчиликларни кўрсатиб ўтди. Аммо ҳайдаладиган қанча бўш ер борлиги, қилинадиган ишларнинг аниқ муддатини тўғрисида гапирмади. Мазрузачи ўтган йилда нисбатан шудгор қилинадиган майдон 53 минг гектарга қамайганини қайд этди. Йилгишида бу рақам ҳақиқатга тўғри келмади. Йўқми аниқлаб, кейин ҳисобот бериш топирилди. Шу

жумладан, чорвачиликка ихтисослашган баъзи хўжаликларда ҳамон пахта етиштирилмапти, бунга барҳам бериш зарурлиги қайта-қайта айтилди. Жамоа ва аҳоли чорчасини кўради. Хўжаликларга кенг эркинлик берилган. Шундай экан, юқорида кўрсатма кутиб ўтирмадан, бу ишга дадил киришиш жоиз.

Жумҳуриятимиз Президентини шарофати билан сўнги йили йил ичида аҳоли қўлидаги чорва моллари ва паррандалар солинган кўп йилларда беда экилган майдонлар бир неча йилла бузилмади. Мазлумки, у кейинги йилга қайтадан ҳайдалиб, фосфор, калий билан тўйинтирилма-

са-да, баъзи вилоятларда сустлашди қилинапти. Аҳолига чорва моллари сотиш режаси Қорақалпоғистонда ва Сурхондарё вилоятида бажарилмапти. Шунингдек, сўнги қочирши, хонадонларга ем-хашак тарқатишдаги аҳвол ҳам кишини ташвишга солади.

Сурхондарёда аҳолидан қорамол сотиб олиб қўлга топириши билан ҳеч ким шуғулланмапти. Қўшпа фермерлар сутни топишроқ май сарсон. Айрим хўжалик раҳбарларининг эса махсуслот нобуд бўлаётгани билан ишлари йўқ. Тўғри бу йил ҳаммасини қабул қилиб олишса, кейинги йилга юқоридан режани қўлтириб қўйишди. Қизиқ, режа халқ эътиборини кўзлаб берилади-ку. Қолаверса, қанчага меҳнат ҳавога совурилади?

Қорақалпоғистонда ҳам худди шундай манзарани кузатиш мумкин. Аксарият жамоалар аҳолига чорва моллари сотиш режасини бажаришмаган. Бунинг устига баъзи районларда аҳолига таъкид бериш асосини равишда қўзғиб келинапти. Дағал хашак тарқатиш ўлда-қўлда. Бундай ачинарли ҳол Сирдарё ва Қашқадарё вилоятларида ҳам давом этапти. Хуллас, энг сўнгги чораларни зудлик билан кўрсатилар эртага аттан деб қўлишларни турган гап. Йилгишида

деҳ, республикада «тантинлик» қилган районлар ҳисобига фармон иқроси таъминланди. Бироқ қозлаб хонадонларга ханузгача жониворлар тарқатилгани йўқ. Шунинг учун ҳам ҳайъатда Чимбой, Амударё, Сарисон районлари деҳқончилик-саноат уюшмалари раисларидан республика Президентини фармони шун йил 15 ноярғача бажариш талаб этилди.

Кул тартибининг охирида «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномасига 1992 йилга обуна қандай кетаётганлиги муҳозаа қилинди. Қўшчилни таъкидлашдек, у деҳқоннинг ягона рўзномаси. Шундай экан, назарлиқ унинг келажакда бекор қарашини мумкин эмас. Масъул ҳодимларга илгари қўлланган тадбирлар асосида обуна қандай ташкил этилгани ҳақида ҳисобот бериш топирилди.

Р. БОБОМУҲАМЕДОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» муҳбири.

АНДИЖОННИНГ ОЛТИН ЧЎКҚИСИ

нинг номларини санаб тугатиб бўлармиди. Муҳими, вилоятда пахта ҳосилини машиналар ёрдамида тери олишда янги давр бошланди. Буни суворийларнинг янги авлоди бошлаб берди.

Марҳамат районидagi У. Қорабоев номи жамоа ҳўжалиги бригадa бошлиқ Акрамжон АЛИЕВ ҳўжояси:

— Ўша кўни колхоз идорасига бир-ров келиб кетгн, деб хабар қилишди. Бордини изинга қайтдим. Оқшом чўкиб, пайкаллари қоронғилик қоплаган эди. Қарасам, энг четдаги майдонда машина чирғи порляпти. Ўша томонга бурилдим. Бу оқшом шабнам тушмабди. Шунинг учун ҳам механизаторимиз Тожибў Узоқов қайтадан ишта тушди. Мен ҳам уни ташлаб кетолмадим. Ўша оқшом Тожибў тун бўйи машинасини тўхтатмади. У ана шунақа меҳнаткаш йигит. Бир кунда 18 тонна пахта тери, нақд 450 сўм олди. Тўрт қаторли машина билан 250 тонна пахта тери. Бу 6250 сўм иш ҳақи олади дегани. Унинг ғайрати туфайли йиллик режани сентабрдаёқ бажариб қўйди. Машина билан биринчи теримдаёқ 32 центнердан ҳосил олди. Тожибў ва унинг машинаси мушкулликни осон қилди. Пахтаини машинада терининг хосияти ана шунақа улуг.

эга бўларди, холос. Бу йил вилоятда пахтачилдан 839 миллион сўм даромад қилиш режалаштирилган эди. Нарҳнинг ошиши муносабати билан бу кўрсаткич 1 миллиард 102 миллион сўмга кўпаяди. Пахта етиштирувчилар бироз қаддини тиклайдиган бўлди.

Терилаётган пахтага тўланаётган ҳақ кўзга чалиниб қолди. 100 килограмм пахта терган теримчи нари борса 8—10 сўм оларди. Ҳозир 40 сўм олаётди. Гарчи бу ҳам етарли бўлмаса-да, чидаш мумкин. Андижон пахтачил олий билимгоҳи ўқув тажриба ҳўжалигининг теримчилари Ҳимматхон Умрзоқова, Мукаррамхон Ҳасановалар 10 кунда 2,5 тоннадан пахта тери, 1000 сўмдан иш ҳақи олишди. Ҳар иккаласи ҳам мавсумда 8 тоннадан пахта теришмоқчи. Ўшанда улар 3200 сўмдан иш ҳақи оладилар.

Ижаранинг афзаллиги туфайли деҳқон қўли пул кўра болади. Олинаётган даромад кўпаймоқда. Москва районидa биргина пахтачилдан 71 миллион сўмдан зиёд, Комсомолобод районидa эса 90 миллион 252 минг сўм даромад олинади. Балиқчи районидagi «Пахтакор» жамоа ҳўжалиги 5 миллион 210 минг сўм, Бобур номи жамоа ҳўжалиги 6,5 миллион сўм даромад олади. «Бўстон» давлат ҳўжалигиники эса анча йирик. Пахтачилнинг ўзидан 25 миллион сўм даромадини кутишгали. Ҳўжалик, ҳадемай, ўзининг пахта ташлаш заводиини ишта туширади. Смета қиймати 3,5 миллион сўм бўлган бу завод 25 минг тонна пахтаини қайта ишлаб беради.

Даромад кўпайса, турмуш ҳам яхшиланади бораверади. Комсомолобод районидagi Мирзаахмедов номи давлат ҳўжалигидa ижара усули туфайли даромад кўтарилиб бораётди. Ўтган йили ҳар бир ишчининг йиллик иш ҳақи 3928 сўмданга сўри келди. Пахта етиштириладиган ерлар 670 га ижарачига бўлиб берилган. Ижарачилар яхши ишлайди. 8200 тонна сифатли пахта йиғиштириб олинди. Ўшанг ижарачилар кўмлоқ ерда ҳам 35—40 центнердан ҳосил олишди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда бу йилги даромад 25 миллион сўмга етади. Даромадга қараб буюмлар, дейдилар. Уч жойда қурилган чойхона, клуб, 140 ўринли боғча, 100 ўринли касалхона ўша даромад туфайли қад кўтарди.

Механизаторларнинг иш ҳақлари кескин кўтарилди. Бу уларда ўз насбига бўлган меҳрни кучайтиради. Сидқидилдан, ҳалол ишлаган ундайти. Бўз районидagi Манноб Ҳалолов номи колхоз механизатори Азимжон Қайомов 22 сентябрь кўни 30 тонна пахта тери, 750 сўм иш ҳақи олишга эришди. У ўн кунда 150 тонна пахта терди. Шунинг ўзи 3750 сўм иш ҳақи бўлади. Унинг ҳамкасби Бозорбой Жуманов эса бир кунда 550 сўм иш ҳақи олди. Ҳар қалай деҳқоннинг меҳнати одил баҳолана бошлади. Бу, айниқса, пахта териш мавсумида яққол кўзга ташланди. Теримчилар меҳнатиин баҳолаш, уларни рағбатлантиришнинг янги имкониятлари қилинмоқда. Илғор механизаторлар, шартнома-ларини ортиги билан бажарганларни тақдирлаш учун 200 дан зиёд енгил машиналар ажратилди. Тез орада мукофотлар ҳам ўз ағаларини топади.

Жалолқудуқ районидagi Ленин номи жамоа ҳўжалигидан ХАБАР:

Ленин номи жамоа ҳўжалиги пахта териш ва топиришда бироз оқсаетган эди. Жамоа ҳўжалиги бошқаруви дадиллик кўрсатди. 14 октябрдан бошлаб қўлда терилган ҳар килограмм пахтага ҳамма ҳўжаликларда тайин этилган 40 тингидан эмас, балки 60 тингидан ҳақ тўлашга қарор қилди. Теримчилар фаоллашди, қўндалик сўраёт кўтарилди. Натияжада икки кун ичда бу жамоа ҳўжалиги райондagi илғорлар қаторига чиқиб олди.

ИЖАРА АФЗАЛЛИГИ

● ЕР ҲАҚИКИЙ ЭГАСИГА ХАЗИНАСИНИ ОЧАДИ. ЭҒАЛИК ҲУҚУКИ ЭСА ЧИНАКАМИГА ИШЛАШ ДЕМАКДИР.
● БОЛАЛАР ОТА ИҒЛИНИ ТАНЛАШМОҚДА.
● ИЖАРАЧИЛИКНИ ЙИРИК-ЛАШТИРИШ ЗАРУР.

Ижаранинг афзаллиги дастлабки йилдаёқ сезилиб бошланди. Чўки эгалик ҳуқуқи дангасалик, лоқайдлик, сансалорликка қарама-қарши ўлароқ кишини фаолликка қўлайди, рағбатлани унотгади. Ижарачи кун ўтсннга далага чиқмайди. Қўибагини, самарани кутади. Нима қилса мўлроқ даромад олиш мумкинлигини йўлайди. Шу мақсад йўлида ишлайди. Юртимизда бундай кишилар бекисиб.

Балиқчи районидagi «Ўзбекистон» жамоа ҳўжалигининг сўғичи Фазлиддин Қўчқоров ана шундай фаол деҳқонлардан бири. Бир неча йил муқаддам шартнома асосида ер олди. 13 гектар майдонда пахта етиштири бошлади. 8 ўғил, 5 киз билан бутун меҳрини бериб ишлайди. Ўтган йили 38 центнердан ҳосил кўтарганди. 25—30 минг сўмга етказиб даромад ола бошлади.

Бу йил ҳам Фазлиддиннинг оилавий эвено-си тер тукиб меҳнат қилди. 55 тонна ҳосилнинг ҳаммасини биринчи навага топириб, ҳосилдорликини 40 центнерданга кўтарди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда ҳозир-гача топириган пахтасининг ўзидан 125 минг сўм даромад қилаётди. Шунинг 80 минг сўмининг ижарачи олади. Лекин у ҳосилни сўғичи меҳнотига ҳўжалигидан олиб, 45 центнерлик маррани ағалашга ҳаракат қилаётди. Агар шу мақсадига эришса, даромади яна кўпаяди. Ўғиллари Нажмиддин, Сайфиддин, Садриддин дейснми, қизлари Одинахон, Ҳадидахон, Илмалахон дейснми, уй бекасн, қаҳрамон она Муқаббатхон ая дейснми — ҳаммалари бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилишгати. Чўки ерга ўзлари ҳўжалиги, Қанчалик кўп ҳосил етиштиришса, даромадлари ҳам шунга яраша бўлади. Фарандлари учун замонавий уй-йўқ қуришгати. Енгил машина сотиб олинди.

Бўз районидagi «Партия XXVII съезди» жамоа ҳўжалигидa Абдуфаттох Солиевларнинг оилавий эвеноси еришгати янги йўл ҳам ана шунақа қўнчюли. Улар 16 гектар ерин ижарачи олишган. Абдуфаттох Солиевнинг сўғичи шу пахта даласида қотган. Олдий қишлоқ муаллими фаолиятини механизаторликдан бошлаган. Бригадир, бўлим бошқарув-чиси, давлат ҳўжалиги директори бўлди. «Пахта иши» унинг бошида не-не тегирмон тошларини айлантирибди, дейсн. Маана нийоят у оқланди, қадрдон даласига қайтди. Яна сафда, яна пахтазорда. Ўғиллари Бахтиёр, Баҳром, Шухрат, Дилшодлар, келинлари Шарифахон, Зарифахон, Хидоятхон, қиз Зарифахонлар билан белни маҳман боғлаб, пахта етиштиргати. Йиллик режани икки кундаёқ биринчи терим билан адо этишди. Ҳосилдор-

ли 28 центнерданни ташкил этди. Иккинчи терим билан 35 центнерданга етказишди. Маррани эса 40 центнер қилиб белгилашган. Белгиланганига кўра 48 тонна пахтаини 1—4 наваларга сотишлари керак эди. Аслида эса 45 тонна ҳосилин биринчи навага топиришди. Ойлик маошга 15 минг сўм ажратишган. 59 минг сўм ўрнига 103 минг 500 сўм даромад қилишгати. Маана сизга ижаранинг афзаллиги, иқтисодий кўтарилишлар. Сабаб ўз-ўзидан аён. Қанчалик яхши меҳнат қилсангиз, роҳатини кўраверасиз. Даромад тадбир-корлигингизга боғлиқ. Демак, ишласа бўлар экан.

Вилоят-деҳқончилик саноат уюшмаси пахтачиллик бўлими бошлиғи Ўринбой РАҲМОНОВ

ШАРҲЛАЙДИ:

— Ижарачилик пахтачиллигини янги босқичга кўтаргатиши ҳақиқат. Ерга эгалик ҳуқуқи қарор топган жойда меҳнатнинг йўналиши ўзгаради, ерга меҳр кучаяди. Пировард натижа бош мақсадга айланади. Вилоятимизда 1—2 кунда йиллик режани адо этган ижарачилар бор. Қаттиқ меҳнат билан 28—30 центнер ҳосил етиштирилган ерин ижарачи олиб, 40—45 центнердан пахта берганлар ҳам талайгина. Бирок ижарачиликнинг ўта майдаланиб кетиши ҳаракатлар кўпайишга олиб келаётди. Келгусикида ниятини — ижарачиликни йириклаштириш йўлидан бориш. Шунда ортиқча ҳаражатлар кескин каямайди.

TOF-TOF ЮМУШЛАР

● ФАҚАТ ПАХТА БИЛАН ҚОРИН ТУЙМАЙДИ. ТИРИКЧИЛИКНИНГ ЖАБҲАЛАРИ БЕҲИСОБ.

● ИШБИЛАРМОНЛАР БИР НУҚТАГА ТИКИЛИБ УТИРМАЙДИЛАР.

● ҲАРАКАТ, ҲАРАКАТ ВА ЯНА ҲАРАКАТ ҚИЛИШ ДАВРИ.

Авваллари вилоятда галати бир ҳолат ҳўкм сурарди. Баҳор келиши билан чигит экиш фронти очиларди. Бошқа ҳамма тармоқ унутилиб, экиш чакирини қўлқонга қоматга келтирарди. Ипак кўртини боқиб бошланиши билан гўза парвариши ҳам бир четга суриларди. Пахта теримининг дағдағасини асти қўверинг эди. Қишлоқ ҳўжалигининг бошқа соҳалари қўлиб, шаҳар саноатида ҳам зарар етказиларди. Ишчи, талаба, олим — ҳамма-ҳаммаси бия пахтазорини, дея далага отларарди. Албатта, ташаббус кўрсатиб эмас, пахта сисбасининг зўғуғи билан. Қиш кириши билан чорвачилик зарбдор фронтига айлантирилди.

Бу галти мавсумда улардан асар ҳам кўринмади. Пахта ҳам териларверди, туй-томошлар ҳам бўларверди. Бригада бошчилари пахта терим билан бирга ерданги ҳўжаликларини ҳам оёқга тургазиб боравердилар. Бу ҳаракат, айниқса, Балиқчи район ҳўжаликларидa кўчли намоён бўлди. Деярли барча пахтачиллик бригадаларида ерданги ҳўжалик ташкил этилиб, ривожлана бошлади. Бригадаларнинг дала шийлонлири атрофида сазавот етиштирилди, боғлар барпо этилди. Ҳатти бу ерда етиштирилган махсуслашган жамоа эҳтиёжидан ортиб, бозорга етиб борди. Ҳар бир бригадa дала шийлонидa соғин ситир, новос, қўй боқила бошланди. Бобур номи жамоа ҳўжалигининг ҳар бир бригадасидa бир бошдан ситир, ур бошдан новос боқилмоқда. Уларни сотиб олиш учун 5000 сўмдан аванс пули берилди. Бригадалар қисқа муддатдаёқ бу қарарлардан қўтилишди. «Ўзбекистон» колхозининг М. Муродовнинг етакчилиги қилган бригадасидa бир бош ситир, 6 бош новосдан ташқари терак кўчати етиштирилди. Бу 4000 сўм даромад келтирди. Бригадада пахта плани ҳам қисқа муддатда бажарилиди. Пахта ҳам, гўшт ҳам, сут ҳам, сазавот ҳам бор. «Москва» колхозининг О. Ҳожиёв бошлиқ бригадасидa эса 38 бош қўй, иккита соғин ситир, иккита новос боқилмоқда. Пахтачиллик ҳам ибратли, Машинада биринчи теримдаёқ гектаридан 32 центнердан ҳосил олинди.

Бундай ишбилармон етакчилар вилоятда жуда кўп. Ҳар уч ҳўжаликдан иккитасида асфальт, гишт қўйиш, оҳақ шишириш цехлари ишга туширилди. Консерва цехларида таёрланаётган махсуслашган малмактанин. Узоқ Шарқдаги шаҳарларга ҳам етиб борди. Асакадаги Ленин номи жамоа ҳўжалигининг атлас тўшии шеҳида ярилган атласлар Марғилон хоналасидан сира ҳам қўлишмайди. Андижон районидagi Киров номи колхозининг тикувчилик цехи махсуслашган тобора хари-дорир бўлиб бормоқда. Марҳамат районидagi Мадумар Токибоев номи, Ялалқудуқ районидagi Димитров номи жамоа ҳўжаликларининг салафан қороз ишлаб чиқариш цехлари вилоятдан ташқарида ҳам ном чиқараётди. Пахтакорлар ғайрати билан қад рўстлаган ва кенг миқёс насб этаётган ерданги ҳўжаликлар, кичик корхоналар сони тўқтосиз кўпайиб бормоқда. Биргина шу йилнинг ўзида вилоятда юзлаб тегирмон, обжувоз, мойку-возлар қурилиб, ишга туширилди.

Олтин кузнинг шу саховатпеша лаҳзаларида андижонлик пахтакорлар яратган хирмонларда ажиб бир виқор намоён. Бўзнинг тинимсиз совулгатиётган ўрмонидa, Комсомолобод кенгликларидa, Шаҳрихонлик серфайз қўчаларидa, Олтинқўннинг тахтиравон йўлларида, Балиқчининг истробат бoғида, Марҳаматнинг Улутўғи этакларидa, Асаканинг қишлоқларида мамулилик ва ифтихор ҳисси ёлқинланмоқда. Ҳар бир андижонлик деҳқон расида умид учқунлари яйлоланади. Деҳқон бир силкиниб, елкасидagi ваэмин юкдан ҳалос бўлгандай. Қўза ҳавоси эса ишпайди бегубор ва салқин. Ҳазорлар иштирлашда ҳам бир маъно боради. Теримчининг толиқдан белига қайта қувват киргандай. Механизаторнинг ёғли қўллари оқаргандай. Хирмонларнинг бағри тўлгандай. Не-не захматлар билан нечаётган йил шундай нийҳат топса, қўнмай бўладими? Андижоннинг асл, бебаҳо хирмони юксалиб турса ҳақонланмай бўладими?

Нима десак, қандай қалам айтсак, бу захматнашларнинг қўнғили топаркамиз, кўтловимиз ўринли бўларкин? Қалам аҳли нима ҳам дерди:

Нитўқ ташлаб, азим хирмонларингдa бир виқор кўрдик,
Лаб очган қуртанинг ичра қиёсиз иқтидор кўрдик.
Музаффар одиминг зарбин қўшдай барқарор кўрдик,
Жамикки андижонликдa гўру ва ифтихор кўрдик,
Чаманлар ичра хўшсурут жаҳоним Андижонимсан!

Т. СОЛИЕВ,
А. ҚОРАБОВ,
«Қишлоқ ҳақиқати» махсус муҳбирлари.

ИЛҒОРЛИКНИНГ ҒУРУРИ, ГАШТИ БОР

● МАРҲАМАТ РАЙОНИДАГИ УМРЗОҚ ҚОРАБОВЕВ НОМИ ЖАМОА ҲЎЖАЛИГИ ПАХТАКОРЛАРИ ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ БЎЛИБ ЙИЛЛИК РЕЖАНИ АДО ЭТДИЛАР. УЛАР ШУ КУНГА ҚАДАР 120 ФОИЗ ПАХТА ТАЙЕРЛАДИЛАР.

● КОМСОМОЛОБОДЛИК ИЖАРАЧИ Н. СУЛТОНОВ ҲОСИЛДОРЛИКНИ 50 ЦЕНТНЕРГА ЕТКАЗДИ.

● БУЛОҚБОШИ РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИНГРАД» ЖАМОА ҲЎЖАЛИГИНИНГ М. ИБРОХИМОВА БОШЛИҚ БРИГАДАСИ ЙИЛЛИК РЕЖАНИ 4 ИШ КУНИДА БАЖАРДИ.

Халқ депутатлари Комсомолобод рай-он Кенгаши раиси Сайфиддин Қодиров билан суҳбат:

— Бу йилги мавсумнинг ўзига хос томон-лари нималардан иборат?

— Моддий манфадторлиқнинг ошганлиги одамлар кайфиятини кўтарди.

— Пахтачилликдан қанча даромад олмоқчи-сизлар?

— 90 миллион 252 минг сўм.

— Ҳосилнинг сифати қандай бўлди?

— 90 фойз пахтаини биринчи навага топи-ришди.

— Ниядан курсандисиз?

— 26 минг тонна пахтаини машинада терга-нимиздан.

— Механизаторлардан миннатдордирсиз?

— Ҳа, ҳаммасидан. Айниқса, С. Шониров, К. Юнусов, Н. Турсуновлардан.

— Қанча ижарачи бор?

— 2713 нафар.

— Ниятингиз?

— Чўлуқварларнинг ижтимоий аҳволини бир даража юқори кўтарсам, бу йилги иш-иш-дан рози бўлам.

СУВОРИЙЛАР АВЛОДИ

● ШАҲРИХОНЛИКЛАР ПАХТАНИ МАШИНАДА ТЕРИШДА ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛДИЛАР.

● БЎЗЛИК МЕХАНИЗАТОР БОЗОРБОЙ ЖУМАНОВ БИР КУНДА 22 ТОННА ПАХТА ТЕРДИ.

● БАЛИҚЧИЛИК ОРИФЖОН ҲОЖИЕВ БРИГАДАСИ МАШИНАЛАР ШАРОФАТИ БИЛАН ЙИЛЛИК РЕЖАНИ 4 ИШ КУНИДА БАЖАРДИ.

Вилоятда машина теримига ишонч ҳосил қилиш жараёни узоқ нечди. Тўғри, суворийларнинг тўғнак авлодлари Манноб Жалолов, Ҳафиз Поллонов, Обиджон Акбаров, Соттиб-бой Шокировларнинг доғури ҳам қанчалик баланд бўлмасин, барибир бу ишончин мустаҳкамлай олмади. Пахта териш машиналари ҳар йили минг-минг сўмлаб маблағ сарфлаш ҳисобига ремонт қилиниб, дала шийлонлирига кўрғаммага олиб чиқиб қўйиларди. Тўғри, бир-икки бункер пахта теришди ҳам. Машина теримни плани қўл терим ҳисобига тўлдириб юборилар. Қўжаликларнинг раҳ-барлари ҳосил исроф қилиб юбориларди, деган баҳона билан машина ҳаракатида зимдан тўқилиш қилардилар. Бу ўз навбатида те-рим ҳаракатларини ошириб юбора, махсуслот таннарни камайишига жиддий тўсиқ бўлар эди.

Маана шу мавсумини олдий таҳлил қилсак, машинанинг фойдаси яққол кўзга ташланади. Бир тонна пахтаини яхши теримчи 10 кунда терарди. Ҳар килограммга 40 тингидан маб-лағ тўланадиган бўлса, бир тонна пахтаини фақатгина тери олиш учун 400 сўм сарф-ланади. Шу пахта машинада терилса-чи? Қў-пи билан бир соат вақт кетади ва уни терган механик-ҳайдовчига 25 сўм тўланади. Қаранг, 375 сўм тежаб қолдиқмоқда.

— Тўла механизацияга ўтмасдан туриб, — дейди халқ депутатлари вилот Кенгаши ра-иси Қ. Холимиров, — пахтачиллик иқтисоди-етини кўтариб бўлмайди. Машина терими катта миқдордаги маблағни тежайди.

Ҳаққоний фикр. Ўтган мавсумда бир йўл тутилди. Машинада терилган пахтаининг тон-насига 15 сўмдан ҳақ тўланди. Мавсумда 150 тонна пахта терган механизаторга енгил автомашина бериладиган бўлди. Навбатдаги алдов бўлса керак, деганлар рағбатда қолди-лар. Ваъдага вафо қилинди. Ўтган йили 250 дан зиёд енгил автомобиль мукофотга бери-лди. Маана, бу йил эса вилот тарихида бирин-чи марта 2 мингта машина билан ялти ҳо-силнинг 55 фойзи тери олинди. Бу пахта териш машинасига иқлос ортганидан далолат.

Москва районидa машина терими режаси рўй-рост бажарилаганини эслаш қийин. Бу йил 6 минг гектар майдондаги гўза машинабон қилиб ўстирилди. 175 та пахта териш маши-наси унум билан ишлатилди. С. Исмонов, А. Исмоилова, Т. Абдуллаев, А. Орипов, И. Макидов сингари суворийлар чинакамига меҳнат қилишди. Пахта териш машинасига ишонч мустаҳкамланди. Режалаштирилган 30 минг тонна ҳосилнинг 14.741 тоннаси пўлат этаклардан тўкилди.

Машина теримидa Бўз намунасини алоҳида таъкидлаш зарур. 181 механик-ҳайдовчининг жасорати ҳаммани қойил қолдирди. Д. Нурма-тов, Б. Олимов, А. Ҳасанов сингари суво-рийлар ўз ҳисобини 200 тоннадан ошириб юбордилар. Андижон районидagi Карл Маркс номи давлат ҳўжалиги механизаторлари То-либжон Азизов, Солижон Мўминов, Машраб-жон Аҳмедовларнинг ҳўжатлари туфайли Эргашбой Бахтиёв, Эргашжон Ҳожибаев, Назарали Тўйчиевлар бошчилик қилаётган ҳақларда кўнига 8—10 фойздан пахта тайерланди.

Қўнч билан айтиш мумкинки, вилотда суворийларнинг янги авлоди майдонга тушди. Улар қаттиқ ва зўр ишчон билан ҳаракат қилишди. Уларга машина теримидa пахта исроф бўлади, деб кўриш-ч. Бундай дэвони ўша захотиёқ чинакам чинарилади. Ялалқо-қудуқлик Султонмақсуд Мавлонов, Орифжон Маҳмуджонов, асакалик Маҳмуджон Қўс-қов, Алижон Ҳаитов, балиқчинлик Хўсанбой Жўрабоев, Эркинжон Исролов... Эҳ-ҳа, улар-



Табассум билан боқиб турган бу аёлни пахтакор юлдузи, деб айтиш мумкин. У Марҳамат туманидagi «Пахтакор» жамоа ҳўжали-гининг 15-бригадаси теримчиси Зулфияхон Тошматова. Илғор теримчи кўнига эл хирмо-нига 115—200 килограммдан дурдона тўқди. Ҳозир Зулфияхоннинг мавсумдagi умумий кўрсаткичи тўрт тоннага яқинлашди қолди. Ш. БОТИРОВ олган сурат.

МЕҲНАТ ОДИЛ БАҲОЛАНГАНДА

● ВИЛОЯТ БЎИЧА ПАХТАЧИЛИКНИНГ ЎЗИДАН 1 МИЛ-ЛИАРД 102 МИЛЛИОН СЎМ ДА-РОМАД ОЛИНАДИ.

● ҲИММАТХОН УМРЗОҚОВА, МУКАРРАМХОН ҲАСАНОВАЛАР 10 КУНДА 1000 СЎМДАН ИШ ҲАҚИ ОЛИШДИ.

Ҳа, меҳнат одил баҳолансагина кишида ишта ҳавас ва меҳр уйғонади. Узоқ йиллар давомида шу нуқтаи назар меъёрлари бузил-



Ушбу суратда Олтинқўл туманидagi «Коммуна» жамоа ҳўжалигининг чевар терим-чиси Муқаддасхон Каримовани кўриб туриб-сиз. У шу кўнгача олти тоннадан зиёд оқ ол-тин териб, катта хирмонга муносиб ҳисса қўшди.

Б. КАРИМОВ олган сурат.

ди. Териб топирилган пахтага арзимас чой-чақа улашиб келинди. Деҳқон рўзгоридан ба-рака кўтарилди, яшаш шароити оғирлашди. Ҳўжурхуриятининг мустақиллиги эълон қи-линиши биланок дастлабки эрнин қадам таш-ланди. Пахтаининг ҳарид нархи оширилди. Энди деҳқоннинг қосаи ҳам оқаришига ишон-са бўлади.

Бир гектар ерда пахта етиштирган киши йил охирига бориб 700—800 сўм маблағга

Ҳосилнинг сифати ҳам мақташга аригулиқ. Бўзлик, комсомолободлик, олтинқўллик, мар-ҳаматлик, шаҳрихонликлар пахта ҳосилининг 85—90 фойзини юқори наваларга топириди-лар. Бу жуда катта даромад деган гап. Ҳосил қанчалик барвақт йиғиштириб олинса, сифати ҳам шунчалик юқори бўлади. Бунг андижон-ликлар тўла ҳис қилишмоқда.



МАСЛАҲАТИМИЗ ШУЛ

Инсон ўз ўрнини, қадрини билишга эришиши, унга эришмоқ учун эса ўз ҳуқуқини муқаммал янгилик керак. Бу фикрлар тўб маънода бизнинг ўзбекистон ахлига, айниқса, қишлоқ ва дала меҳнат ахлига таваллуқдир. Ўз ҳақ-ҳуқуқини аниқлаш ҳақиқатан ҳам турткисига қўйилган. Магар бу оқибатли бўлади. Инсоний ҳуқуқнинг тўғри ва адолатли талаб қила олади. Турли Гдлан ва Ивановларга оқибатли бўлмайди.

Фикримизча, ана шу сабабдан ҳам ҳар бир ҳуқуқий ҳақиқатнинг ҳис этган фуқаро янгиликдан «қишлоқ ҳақиқати» рўзномасини муттаасил ўқиб бормоғи керак. Чунки ҳуқуқий демократик давлат қўриқ бўлганда турган республикада алоҳида махсус ҳуқуқий матбуот органи бўлмаган бир шароитда «қишлоқ ҳақиқати» ўзининг «қонун номи билан» махсус саҳифаси ила маълум даражада элга ҳуқуқий озуқа бериб келмоқда. 1992 йилда эса бу соҳа янада кенгайиб, мустақиллашиб бориши аниқ. «Қишлоқ ҳақиқати» рўзномаси жонивчиликка, қабил қишлоққа қарши кураш ва ҳуқуқий масалалар бериб боришни ўз зиммасига олган экан, бундай ташаббусни фақат олиқлаш билан бирга унга ҳамнафас ҳам бўлиш зарур. Рўзномада обуна бўлмай туриб ҳамнафас бўлмайми.

Ҳуқуққа «чанқоқларга маслаҳатимиз шул: янгиликдан «қишлоқ ҳақиқати»га обуна бўлинг.

РИЗК-РЎЗ САРЧАСИ

«ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШИ, ҚИШЛОҚ ҲУЖАЛИК МАХСУЛОТЛАРИНИ (АЙЕРЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШ ҚОРХОНАЛАРИ) БЎЛИМИ ХОДИМЛАРИНИНГ ЯНГИ ЙИЛ РЕЖАЛАРИ УЛАН. Улар «Узлудовошчи»нинг қонунчилик ва шў тармоқ мутахассислари билан узоқ алоқада бўлиб, шаҳар ва вилоятлардаги саноат қорхоналарининг фаолиятларини



Эндилкида Қизилжарин чўл деишига асос йўқ. Чунки деҳқон қўли теккан жой жаннатнинг Боғи Эралига айланама-да, ҳар қалай ризк-насибамиз манди бўлиб қолиши тайин. Тупроғи серурум, меваси тоқли эди бу ерини.

Биргина Богот районидagi Нармонов номи жамоа ҳўжалигининг 120 гектар ери бор. Утган йили полнз махсулоплардан 125 минг сўм даромад олган. Бу йил даромад ундан ҳам кўпроқ бўлади. Қўнига 25—30 тонна қовун-тарвуз арзон баҳода пахтакорларга сотилмоқда.

ЖАМОАТЧИ фотомухбиримиз Жумабой ҚОЗОҚОВ район «Хўрият» рўзномаси муҳаррири Ражаббой Раззоқов билан жамоа ҳўжалиги раиси Юсуфбой Қўболовларнинг полнзга ташриф буюрган паҳзаларини суратга туширган.



«ШАРҚНИНГ БУЮК МУТАФАККИРЛАРИ», «ОЙНОМА», «ТАБИАТ ВА ИНСОН», «АЕЛ ҚАЛБИ», «БИР ПИЕЛА ЧОП ВАХОНА» саҳифаларимиз қалонгиздан алоҳида жой олганга шўбҳамиз йўқ. Шундай бўлса-да янги йилдан бошлаб, бу саҳифаларнинг ранг-баранглиги, маъмуридорлиги ва қизилқарлиги янада ортишига қафолатимиз бор.

МУАССИСЛАР: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ҲўЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, «ЎЗЛОДОВОШЧИНПРОМ» КОНЦЕРНИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИА ВАЗИРЛИГИ, «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» ЖўРНАЛИСТЛАРИ ЖАМОАСИ.

«ПАХТА ИШИ» деб аталмиш қўриқ эишининг қаймоғини марказ эишю заҳирини ўзбек чекди. «Шарқ фронтинда» не-не пахта усталари, раҳбарлар ва мутахассислар, ҳисобчи ишбилармонлар бадном бўлмади, дейсиз. Уларнинг қай бири

«қоқланганлик» қорозини олдию қай бири ололмади. Бу ҳақда ҳали кўп эиш керек. «ПАХТА ИШИ ЖАБРДИЙДАЛАРИ», деб аталмиш руқимиз ва «АЧЧИҚ АСАЛ» саҳифамиз шў мақсадага хизмат қилади. Ҳар бири бир неча минг

вароғлик том-том «иш»ларнинг сарагини-сараки, пучагини-пучакка ажратишда суд ва прокуратура ходимлари матонат кўрсатишди. Буни алоҳида таъкидлаш керак. Шунингдек, ҳозирги кўнда илдиз отиб бораётган турли жиноят-

чиликка қарши юзма-юз бораётган милиция ва Миллий Давлат хавфсизлик бошқармаси ходимларининг машаққатли ишларини еритиш «ҚОНУН НОМИ БИЛАН» саҳифамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.



Қанчалаб бегуноқ кишиларини, халқпарвар раҳбарларини бодном этган «Пахта иши»нинг жабири-жафоси кўп йиллар одамлар ёдидан чиқмаса керак. Марказдан келган «адолатпарварлар» кўз қўриб, қўлоқ эшитмаган тергов усулларини қўллаш, не-не кишиларнинг саломатлигига, ҳатто айримларининг умрларига зомин бўлишди. Жумҳуриятимиз шаънига қора доғ туширишди.

Қўриқчи муштарийларимизнинг талабларига мувофиқ «Пахта иши жабрдийдалари» руқини остида берилаётган

мақолаларимизни давом эттираемиз. Янги «Шарқий фронт маҳбуслари» сарлавҳали турқум суд очеркларидида бир қатор собиқ кўзга кўринган ҳўжалик, район ва вилоят раҳбарлари ҳақида ҳикоя қилмоқчимиз.

Бегуноқ бадном этилган, қадр қиммати тошталган, тергов тегиримонидан омон чиққанлардан бири Бухоро вилояти фирқа қўмитасининг собиқ биринчи котиби Исмомил ЖАББОРОВ эди. Қўида И. Жабборовнинг терговдаги таҳликали 54 кўнидан айрим лаҳзаларини ўқийсиз.



Едлангизда бўлса, «Ого-не» журналининг 1988 йил 26-сонидида ҳуқуқшунос «ге-нераллар» Т. Х. Гдлан билан Н. В. Ивановларнинг «Қарама-қаршилиқ» — «Противостояние» мақоласи эълон қилинганди. Унда Исмомил Жаббаров шаънига асоссиз тўхмат таглар ай-тилганди. КПССнинг Бутун-иттifoқ XIX конференциясида ёлгоннинг миси чиқиб, йиш қўлидан кўчиб қолди. Мақола муаллифлари жиний жавобгарликка тор-тилишдан чўиб, ноқонуний йўлар билан И. Жаббаровга қисбатан жиноят иши кўзга тилишди.

Уни қамашга розилик оли-ниш биланоқ Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши би-носи ёнида қўлга кишан солинди. Эртаси кўни уни махсус рейс билан Москвага олиб кетишди. Тошкентда эса «гумондор» сифатида дастлабки терговдан ўтқа-зилди. Москвадаги ИЗ 48/4 қамқонхонасига ташланган, унинг ҳаётида аянчли қу-лар бошланди. 26 октябрда СССР Бош прокуратури ер-дамчиси Карақозов унинг ҳузурига «ташриф» бу-юрди. У: «Гдлан ва Ивано-влар билан бўлган муноса-батинг ўзинга маълум, шў-нинг учун сени ўзим тергов қиламан» — деди. «Унут-ма, сен бу ердан чиқмайсан, кўнинг биттан сени, энг-хирги жазодан қўтилиб, эн-г-хирги олишнинг мўжизи. Фақат шў шарт билан» — ё бичанг терговчиларимиз барикадасида туриб, биз айтган кишиларга қўрамага берсан, ёки, ўз билга-нингдан қўлиб ўлиб кета-сан. Яна бола-чақаларинг, онланг тақдиринг ҳам унут-ма. Уларга ҳар бало бўли-ши мўжиз».

Бир неча партия, совет ва ҳўжалик раҳбарлари ва уларнинг онилари бошига тушган савдолар И. Жаббо-ровга ҳам равшан эди. Бу-хоро вилояти фирқа қўмита-сининг собиқ биринчи коти-би Каримов билан Г. Мир-забобовларнинг қариндош-уруғлари, хотин-бола-чақа-лари ҳам бир варақайга қамаб ташланган эди. КПСС Марказий Комитетидан тор-тиб, СССР Олий Совети Президиумига фақат Гдлан билан Иванова ишони-шарди.

Карақозов ҳам улардан қўлишмасди. Унинг ишон-хирги ўзидалиги маълум. Булардан энг муддиш воқеа-ларини ҳам кўтиш мўжиз эди. Карақозов кўриқтин ил билан СССР Бош про-куратури номига аввалдан тайёрлаб қўйилган ариза матнини Жаббаровнинг ўз қўли билан ёзишга мажбур-лади. Аризада И. Жаббаров кимлардан қанча пора олиб, кимларга қанча пора бер-ганлиги ҳақида ёзилганди. И. Жаббаров бунга рози бўлмагач, уни кечқурун

аввал 30 минг сўм пора бе-рилган, деб қўрсатилган бўлса, унинг миқдори 40 минг сўмга кўтарилди.

11 ноябрдаги сўроқда эса яна 4 кишидан 45 минг сўм пора олганлиги ҳақида қўр-сатма беради. 12 ноябрда Есков билан Исаенко сўроқ қилиб Жаббаровдан пора олувчилар қаторига яна бир киши — КПСС Марка-зий Комитети ходими Иш-ковни тирашди. Гўе Жаб-баров унга 3 минг сўм пора берганми. 15 ноябрдаги сўроқда Жаббаров пора ол-ган ва пора берган кишилар сони яна биттаданга кўпай-тирилди. 18 ноябрда эса терговчи Есков ва Ревекко Жаббаровдан КПСС Марка-зий Комитетининг махсус ходими Могиличевнича пора берганлиги ҳақида ва пора берувчилар рўйхатини 37 кишига, пора олувчилар сони 9 кишига кўпайти-риб «батафсил» қўрсатма олишга аришадилар. Худди шў кўни пора олувчилар со-нини 43 кишига ектазириб қўрсатмадан ташқари Жаб-баровдан СССР Бош проку-ратури номига ариза ёздириб олинган. 17 ноябрдаги сў-роқда эса бу аризани «мо-хирлик» билан тасдиқлаб олишга ҳам улғурдилар.

Жаббаров ҳар кўни ти-нимсиз сўроқ қилинади. Бундай оғир ҳолатга ҳамма ҳам чидаш беролмайди. Гдлан билан Ивановлар бош-лиқ терговчилар гуру-ҳининг бундай усули ҳар қандай иродали кишини ҳам майиб-мажрўб қилиши ҳеч гап эмасди. 17 ноябрдаги сўроқда эса пора олувчилар сони КПСС Марказий Ко-митети махсус ходими Ис-томин билан тўлдирилди. Гўеки, Жаббаров унга 5 минг сўм пора берган. 18 ноябрда Есков билан Ревек-ко Жаббаровдан Бош проку-ратури номига яна битта «ба-тафсил» ариза оладилар. Аризада 38 кишидан жа-ми 289 минг сўм пора олганли-ги ва юқори мансабли 10 кишига 108 минг сўм пора берганлиги ёзилганди. Тер-говчиларнинг талаби билан Жаббаровга 35 минг сўм пора берган 4 киши — Бар-нов, Бобокўлов, Очиллов ва Анваровлар пора берувчи-лар рўйхатидан чиқарилади. Жаббаров эса терговчилар-нинг қўрсатмасини бу рўй-хатдан Хикматовни ҳам ўчи-риб қўйди. Терговчилар Жаббаровнинг бу «хатос» ҳақида миқ этмайдилар.

Ҳақиқатан ҳам, Есков ва Ревекколар Жаббаровдан миллион сўм чиқаришга уринишар ва ундан шўни қўлиб талаб қилишарди. Улар ўйлашмасдики, қай-си асосларга қўра Жаб-баровдан шўнича пул талаб қилиш мўжиз? 19 ноябр-да Карақозов: «Агар сендан 1,5—2 миллион сўм тоғла-сам, мен Карақозов эмасман, — деб бутун — изоляторга жар солади. — Биз шўнча

Судда шў нарсга маълум бўлдики, Жаббаровда омонат дастарчасига ёзилган 3991 сўм 40 тингидан булук пул бўлган. Бу пуллар ҳам ҳар ой ёки икки-уч ойда депутатлик маоши ҳисобидан омонат қасасига қўйиб ке-линган. Бунинг унинг аввалги ердამчиси Саломов ва ке-йингиси Халиловлар ҳам тасдиқлашди.

Гдлан, Иванов, Карако-зов, Есков ва Ревекколар-нинг қонунга зид ҳаракат-лари ҳеч қим томонидан на-зорат қилинмаганлиги ту-файли улар қўюқондан чиқиб кетишганди. Есков, Ревекко ва бир неча бошқа терговчилар Жаббаровнинг қамқонлиги пайтида ҳар кў-ни унга турли қийноқлар билан азоб беришган. Улар фақат қийноққа қўйилганга «дам» олишган. Ана шўндай тергов усули дош берма-ган Мирзабобовнинг акаси ўз жонига қасд қилди. Бу-хоро вилоятининг «ОПС» со-биқ раиси М. Намозов ҳам сирли равишда оламдан ў-тиди. Улар Жаббаровга 15 минг сўм пора берганлигида гумон қилиниб, терговга тортилган эдилар.

Судда Гдлан, Иванов ва бошқа терговчиларнинг со-циалистик қонунга зид ин-иновторона хатти-ҳаракат-ларини рад этиб бўлмас ўнлаб далиллар билан исботлаб беришди.

И. Жаббаров оқланиб озодликка чиқди. У бу кўн-ларини 1988 йилнинг 19 ок-тябрийдан то 1990 йилнинг 6 мартига қадар оронкиб кўтиди. Биз шў салкам икки йиллик тергов суронларидан айрим лаҳзаларинижа ми-сол келтирдик, холос. Жаб-баров ва унинг иши билан боғлиқ кишиларнинг тор-ган укубатли қўнлари ҳақи-да алоҳида ёзиш ниятидамыз.

М. МИРЗАОЛИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ер-дамчиси.

С. СИРОЖИДДИНОВ, «Қишлоқ ҳақиқати» махсус мухбири.



Бўстонлик районидagi бурчмулла ўрмон ҳўжалиги жумҳу-риятимизнинг энг сўлим гўшаларидан биридир. Ҳар йили бу районнинг тоғ ёнбағирларида етиштирилаётган танга даво бодом ва ерғоқ ҳосилидан барча меҳнат ахли баҳра-манд бўлишади. Ўрмончилик ҳўжаликларидида 1991 йил кўзи ва 1992 йил кўнламинида энгс учун 100 минг тупдан кўпроқ турли қўчатлар тайёрланмоқда. Бу муҳим кампанияга Бурч-мулла ўрмон ҳўжалиги директори А. Абдужамитов, ишчи-лардан Баҳрия Пирматова ҳамда Умриниско Олимжоновлар алоҳида эътибор беришмоқда.

СУРАТДА: А. Абдужамитов [олдинда] иқолларини кўз-дан кечирмоқда.



ЧУВ ТУШГАН КИМ?

Ҳўрматли муҳаррир! Жум-ҳуриятимиздаги районлар матбуот жамиятларига қа-рашли тайёрлов идоралари аҳолидан чекланмаган миқ-дорда қишлоқ ҳўжалик мах-сулоларини давлат харид нархларида қабул қилиши қўйилганга маълум. Аммо айрим районларда жўн ва тери махсулоларини харид қилишда фақат тайёрловчи-ларгагина маълум бўлган усул борки, бу аҳолининг ҳақиқат очинчасига ҳиёнат қилишдан бошқа нарсга эмас!

Фаолиятимиз ветеринария соҳаси ва умуман, чорвачи-лик билан боғлиқлигидан юқоридаги жумбуқли маса-лада оддий ишчилар, қол-хозишлар ва айрим қасоб-лар ҳам қамингага мўржаат қилиниб, тайёрловчиларнинг жўн ҳамда тери махсулола-рига қўйётган харид баҳола-ри «ҳемири» эналандида нолишарди. Назоратсиз қо-либ келаётган бундай адо-латсизликка ҳам таъжуб, ҳам ғазаб билан қарайсан, киши.

Хали бозор иқтисодиёти ҳақида гап-сўз бўлмаган илгариги қадар йиллар даво-мида Самарқанд районини тай-ёрловчилари аҳолидан оли-надиган жўннинг бир кило-граммига 4—5 сўм, битта мол терисига ҳам шўнча сўм тўлашарди. Қўй тери-сига эса бир чақа ҳам йўқ. Бу махсулоларнинг давлат харид нархлари маълум қи-линмагандан сўнг нима ҳам дея оласиз?! Ҳамма иллат мана шўнда.

Ҳа, илгари битта ўртанча нархдаги қостом-шим 100—120 сўм эди. Эндилкида унинг нархи 1—1,5 минг сўм. Хўш, жўннинг нархи-чи? Ўзбекистон Президен-тининг фармони билан жў-нини нархи бир ярим бара-вар кўтарилиди, дейилди. Бу-нинг учун раҳмат! Ленин ҳануз бир килограмм жў-нини нархи маълум эмас. Биз бо масалалар Самарқанд район тайёрлов идораси раҳбарларига ҳам учрадик. Аммо...

Мана, қўлимизда «Паст Даргом ҳақиқати» рўзномаси-нинг 1983 йил 24 февраль со-ни. Унинг ахлит 4-саҳифа-сида «Жўма шаҳри, Чарқин посёлкаси ҳамда район қол-хозиари ва совхозларнинг барча аҳолиси диққатига!» умумий сарлавҳаси остида турли турдаги жўн, мўйна, тери ва кўн махсулоларини

ШУНДАЙ қилиб «Гўлқайчи» 1992 йилда ҳам ўзининг ўткир сатира, юмор ва ичак узди қўлигисини чимдиб ол-чи «қайчиси билан ҳўжалик ишларида юз бераётган кам-чилик ва нуқсонларини очинчасига «дўспослаб» хизматини-гизда бўлади. Албатта, у сиз қўллаган гараздан нари, ҳийла-найранг, қасд олину пасткашликдан холи бўлган шикоят ва аризаларингизга, тақидий фикр-мулоҳазалар битилган мактубларингизга таянади.

РЎЗНОМАМИЗ номини ўғартирмамиз. Азиз муштарий-ларимиз, деҳқон соҳибдор, ижодкор аёнигор, олиму ҳуқуқ-шўнос, ҳамқилишлогу ҳамшаҳарларимиз! Рўзномамиз Сизу бизники, ҳаммамизники бўлмоғи учун уни қай ном билан атамоқ керак? Хатларингизни кутамиз.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32. АТМАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИН-ГРАД КЎЧАСИ 32-уй, «ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» рўзномаси.

ОБУНА-92

Муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51, 32-54-33. Қайта ишлаш саноати бўлими — 32-54-48. Советлар ва иқтисодий ҳаёт бўлими — 32-56-34. Чорвачилик бўлими — 32-56-22. Мелиорация ва қишлоқ қурилиши бўлими — 32-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 32-56-36, 32-54-33, 32-56-37. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-54, 32-56-37. Шикоят, хат ва маъмурий органлар бўлими — 32-54-49, 32-54-52. Бозорчи бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 32-81-42.